# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 145 (9.640) 2001 йил 12 декабрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


## ПРЕЗИДЕНТНИНГ ВЕНА УЧРАШУВЛАРИ



**Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Австрия Республикаси Федерал Президенти Томас Клестилнинг таклифига биноан Австрияга расмий ташрифи давом этмоқда.**

11 декабрь эрталаб Президент Ислом Каримов ўзи жойлашган «АНА Гранд» меҳмонхонасида Австриянинг собиқ Федерал канцлери Франц Враницкий ҳамда Контролбанк ижрочи директорлар кенгаши аъзоси Рудольф Шолтен билан учрашди. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш, ишбилармонларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш, Ўзбекистонга Австрия сармояларини кўпроқ жалб этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Маълумки, Ф. Враницкий Федерал канцлер лавозимида ишлаган пайтда Ўзбекистонга ташриф буюрган. Шундан буён у билан Ислом Каримов ўртасида қалин шахсий дўстона муносабатлар қарор топган. Айни пайтда Ф. Враницкий Австрия ишбилармонлари уюшмасига раҳбарлик қилади. Ислом Каримов Ўзбекистон — Австрия муносабатларини ривожида бу инсоннинг ҳиссаси катта эканини алоҳида таъкидлади ва австриялик ишбилармонларни Ўзбекистонга янада кўпроқ сармоя киритишга даъват қилди.

Президентимиз Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) бош котиби Ян Кубишни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон — ЕХҲТ муносабатлари, мазкур ташкилот фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Ислом Каримов ЕХҲТнинг хавфсизлик масалаларидаги иштирокини кенгайтириш, ташкилотнинг бу борадаги амалий ҳаракатларини кўпайтириш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканини таъкидлади. Учрашувда Афғонистонда юз бераётган воқеалар хусусида ҳам фикр алмашилди.

Мазкур учрашувлардан кейин Президент Ислом Каримов «Хофбург» саройига келди. Уни Австрия Президенти Томас Клестил кутиб олди. Олий даражадаги меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортиб, икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради.

Президентларнинг яккама-якка суҳбатида Ўзбекистон билан Австрия ўртасидаги сиёсий-иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Австрия раҳбари мамлакатларимиз улкан иқтисодий салоҳиятга эга эканини, Президент Ислом Каримовнинг мазкур ташрифи мавжуд имкониятлардан кенгроқ фойдаланиб, ўзаро ҳамкорлик кўламини оширишга йўл очишини таъкидлади. Айни пайтда у Ўзбекистоннинг халқаро сиёсат майдонидаги ташаббускорлик фаолияти, терроpчиликка қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди.

Сўнгра шу ернинг ўзида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Унда автомобиль, темирйўл ва дарё транспорти, халқаро юк ташиш соҳаларида ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Вена университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар қабул қилинди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Австрия Федерал канцлери Волфганг Шюссел, Миллий кенгаш (парламент) раиси Ҳэнц Фишер ҳамда ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Вальднер билан учрашди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**

**СУРАТДА: расмий ташриф чоғидан лавҳа.**

**Муҳаммад Амин олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Ўзбекистоннинг терроpчиликка қарши кураш ҳамда Афғонистон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни давом эттираётган халқаро коалицияни қўллаб-қувватлаши борасида шахсан Сиз кўрсатаётган саъй-ҳаракатларин юксак қадрлайман. Ўзбекистонда АҚШ қуролли кучларининг муайян қисмини қабул қилиш ҳақидаги қарорингиз амалга ошираётган ишимизга катта ҳисса бўлиб қўшилди. Вазифамиз осон эмас, муваффақиятга эришмоғимиз учун вақт керак. Аммо биз биргаликда барибир ўз мақсадимизга етамиз.

Айни пайтда биз асосий эътиборни терроpчиликка ва уни қўллаб-қувватловчи кучларга қарши ҳамкорликда курашга қаратаётган бўлсак-да, мен, Ўзбекистон билан узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантиришимиз лозим, деган қатъий фикрдаман. Ўзбекистон демократия ҳамда мамлакат иқтисодиёти ва институтларини эркинлаштиришга қаратилган ислоҳотлар асосида суверенитети мустаҳкамланиб, қудрати ва фаровонлиги ошиб бораётган давлат сифатида ривожлангани сари, биз халқингиз учун улкан сиёсий ва иқтисодий эркинликларни таъминлаш мақсадида Сизни ҳар қадамда қўллаб-қувватлайверамиз. Шу билан бирга, бошқа қудратли давлатлар учун ўз уйидек бўлиб қолган минтақангизда том маънода мустақил сиёсат юритиш учун қарорлар қабул қилишингиз осон эмаслигини яхши англаймиз. Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Азимов раҳбарлигидаги делегациянинг ўтган ҳафта Вашингтонга буюрган самарали ташрифи чоғида маъмуриятимиз аъзолари бу борада аниқ ва ошкора баёнот берди.

Ўзаро ҳамкорлигимиз кенгайган сари Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистонга ёрдами ҳам кўпайиб бораверади. Маъмуриятимиз бу йил Ўзбекистондаги сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни икки томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида берилаётган ёрдам ҳажмини уч баробар оширишни мўлжалламоқда. Биз мамлакатингизнинг иқтисодий ислоҳотлар дастурини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Чунки бу дастур Ўзбекистонда ишончли иқтисодий пойдевор барпо этишга ёрдам беради ва халқаро молия институтларининг кенг ва самарали ҳамкорлиги учун йўл очади.

Биз Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш борасидаги ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашдан манфаатдормиз. Сизнинг Термиздаги Дўстлик кўпригини очиш тўғрисидаги қарорингизни маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Бу қадам оғир аҳволда қолган афғон халқига ёрдам бериш борасидаги қатъиятингизни бутун дунёга намойиш этади. Халқаро инсонпарварлик ташкилотлари ходимларининг Термизга келиб-кетишини осонлаштириш орқали, Сиз Афғонистонни тиклаш бўйича халқаро коалициянинг саъй-ҳаракатлари доирасида Ўзбекистоннинг етакчилик мавқеини янада мустаҳкамламоқдасиз.

Бундай муҳим ишда АҚШ ва унинг халқаро коалициядаги шерикларини қўллаб-қувватлаш борасидаги тарихий қарорингиз учун Сизга яна бир бор миннатдорлик изҳор этаман. Бу масалаларни шахсан Сиз билан яқин ойларда Америка Қўшма Штатларида муҳокама қиламиз, деган умиддаман.

Эҳтиром ила,

**Жорж БУШ,**
**АҚШ Президенти.**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.
- Вазирлар Маҳкамасида 2002 йилда ҳаж зиёратини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
- Вазирлар Маҳкамасида Республика эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг 2001-2002 йилларнинг кузги-қишки мавсумида грипп ва ўткир респиратор вирусли касалликларининг олдини олишга қаратилган йиғилиши бўлди.
- **Кеча** бўлиб ўтган Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси Вазирлар Маҳкамасининг «2001 йилнинг IV чорагида нақд пул эмиссияси даражаси ва касса режаси кўрсаткичлари тўғрисида»ги қарори ҳамда ҳукумат томонидан тасдиқланган «Ички истеъмол бозорини ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан тўлдиришга доир 2001-2005 йилларга мўлжалланган дастур»да қўйилган вазифаларнинг бажарилиши, корхоналарда хорижий валюта тушумлари аҳволи ҳамда бошқа бир қатор масалалар муҳокамасига бағишланди.
- **Кеча** Тошкент вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари ташкилий-кадрлар хизмати мақомини ўзгартириш тўғрисида»ги ва шу асосдаги вилоят ҳокими қарори талабларининг бажарилишига бағишланган йиғилиш ўтказилди.
- Республика Биржа марказида «Макс — Хуросон ЛТД» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасининг эгаси номи ёзиладиган фоизли облигацияларини чиқариш ва бирламчи жойлаштиришга бағишланган тақдимнома бўлиб ўтди.
- Замонавий Санъат марказида Бадиий академия Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда яратган «Ўзбекистон санъати (1991-2001)» китобининг тақдимоти бўлди.
- Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти профессор Ҳ.Ҳомидовнинг «Авесто» файзлари» китобини чоп этди.
- **Кеча** Жиззах Олимпия заҳиралари коллежида енгил атлетика бўйича биринчи республика чемпионати бошланди.

### Жаҳонда

- Токиодаги Император саройида Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси М.Очилов Япония Императори Акихитога ишонч ёрлиқларини топширди.
- **Бугун** Россияда Конституция куни нишонланмоқда.
- **Кеча** Вашингтондаги Оқ уйда АҚШ терактига уч ой тўлиши муносабати билан мотам маросими ўтказилди. Маросимда АҚШ Президенти Ж.Буш нутқ сўзлади.
- **Кеча** толибонларга қарши кучлар коалицияси Америка ҳаво кучлари ёрдамида Афғонистон шарқида жойлашган Тора-Бора тоғли яшириниш жойининг бир қисмини эгалладилар. Олинган сўнгги маълумотларга қараганда ушбу ҳудудни ҳимоя қилиб турган жангарилар таслим бўлиш хоҳишини билдиришган.
- Буюк Британия мудофаа вазирининг фикрича халқаро коалициянинг терроpчиликка қарши кураши келгусида ҳам давом этади. У халқаро иттифоқнинг Усама бин Лодин ва «Ал-Қаида» жиноий уюшмасига қарши кураши фақат Афғонистон ҳудуди билан чегараланмаслигини маълум қилди.
- Афғонистоннинг собиқ подшоҳи Муҳаммад Зоҳиршоҳ келаси йилнинг март ойида ватани — Афғонистонга қайтажаклигини билдирди.
- **Бугун** Буюк Британияда ўтаётган оммавий қирғин қуролларидан фойдаланмаслик мавзуидаги халқаро анжуман ўз ишини давом эттирмоқда.
- **Бугун** қочоқлар бўйича Халқаро Конвенция қабул қилинганига 50 йил тўлди.
- **Бугун** Токиода Афғонистоннинг урушдан кейинги тикланишига бағишланган конференция ўз ишини бошлади. Унда БМТ ва Япония ноҳукумат ташкилотларидан вакиллар қатнашмоқда.
- Сурия раҳбари Башир Асад Миср Президенти Муҳаммад Ҳусний Муборак билан учрашди. Мулоқотда Яқин Шарқдаги вазият юзасидан фикрлар алмашилди.
- Катарда Ислом Конференцияси Ташкилотига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг мажлиси бўлиб ўтди. Тадбирда 56 мамлакат вакиллари қатнашиб, тобора кескинлашиб бораётган Яқин Шарқ можаросига барҳам бериш, Исроил — Фаластин тинчлик музокараларини қайта тиклаш масалаларини муҳокама қилдилар.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

## МУБОРАК ҲАЖ ЗИЁРАТИГА БОРУВЧИЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҲАҚИДА

**Мамлакатимиз фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, муборак ҳаж амалларини адо этишда қулайлик, имтиёз ва зарур шарт-шароит яратишга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2002 йилда ҳаж зиёратини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Муборак ҳаж сафарини ташкил қилиш, зиёратчилар рўйхатини республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг жойлардаги бўлинмалари вакиллари иштирокида кенг жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда тузиш, мусулмонларнинг талаб-эҳтиёжларини адолатли равишда қондириш масъулияти Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти, унинг жойлардаги мутасадди вакиллари зиммасида эканлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита уларга ёрдам кўрсатиши эътиборга олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (З.Мирхўжаев) Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасдиқлаган рўйхатга биноан, мамлакатимиздан ҳажга кетаётган ҳар бир фуқаро учун 1482 (бир минг тўрт юз саксон икки) АҚШ долларини имтиёзли алмаштириб беришни таъминласин.

Зиёратчиларнинг тегишли миқдордаги сўм маблағларини жойларда йиғиб олиш ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг тегишли бўлимларига топшириш Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг масъул ходимлари зиммасига юклансин.

Бу маблағлар Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Миллий банкдаги махсус ҳисоб рақамига жамланиб, белгиланган миқдори ҳамда ҳаж зиёратчиларига хизмат кўрсатувчи ишчи гуруҳининг сафар харажатлари банклараро савдо сессияларида хорижий валютага бўлган талаб ва таклиф асосида ўрнатиладиган эркин курс бўйича эркин муомаладаги валютага конвертация қилинсин. Конвертация қилиш чоғида улар воситачилик йиғимларидан озод этилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон мусулмонлари идораси барча зарур тўловларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг чет эл банкларидаги корреспондент ҳисоб рақамлари орқали пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

5. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (А.Рўзметов) 2002 йил февраль-март ойларида зиёратчиларнинг ҳаж сафарига бориб келишлари учун қулай шароит яратиш, Тошкент-Жидда-Тошкент йўналишидаги авиачипталарнинг нархини арзонлаштириш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги томонидан қўйилган тиббий талаблар ва мамлакатнинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда зиёратчиларни кўрикдан ўтказишни, ҳаж даврида уларга ёрдам кўрсатишни ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Комилов), Давлат божхона қўмитаси (Ў.Комилов) Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг тақдимига кўра зиёратчиларнинг сафар ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов) зиёратчиларнинг умумий хавфсизлигини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ноқонуний йўллар билан ҳаж зиёратига бориши оқибатида рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш чора-тадбирларини белгиласинлар.

9. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва оммавий ахборот воситаларига муборак ҳаж зиёратининг моҳияти, талаблари, муддати ва уни амалга оширишнинг тартиб-қоидалари ҳамда унинг якунларини кенг ва ошкора ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2001 йил 7 декабрь.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси референдум округларини тузиш тўғрисида

**«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йил 27 январь кунига тайинланган Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш мақсадида қуйидаги округлар тузилсин, жумладан:**

**Тошкент шаҳар референдум округи,** Тошкент шаҳри чегараси доирасида, референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлганлар сони 1242,0 минг киши.

Референдум ўтказувчи округ комиссиясининг жойлашган **манзили** — Ўзбекистон Республикаси Давлат акционерлик суғурта компанияси биноси, 700047, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 13-уй.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси**
**А. АҲАДОВ.**

Тошкент шаҳри, 2001 йил 10 декабрь.

## Бугуннинг қадри

**2002 — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ**

*Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Конституция кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлаш билан бирга бўсағада турган Янги йилнинг қандай номланишини ҳам ўзига хос тантана билан белгилаб оламиз. Мана бир неча йиллирки, бу яхши одат ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олиб анъана тусига кириб бормоқда. Инсон манфаатлари. Оила. Аёллар. Соғлом авлод йиллари ҳар биримиз ҳаётимизда ўзига хос нурли излар қолдирди. Ўтаётган Оналар ва болалар йилимиз эса юқорида санаб ўтган йилларнинг мантиқий давоми бўлди.*

*Юртимизга янги нафас, янги руҳ ва қадр олиб келаётган Янги йилнинг Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинишининг ўзи Янги йилимизнинг қадами қутлуғ келаётганидан далолат бериб турибди. 2002 йилнинг шундай эъзозли ва қадрли ном билан аталиши барча қатори ҳамшаҳарларимизни ҳам руҳлантириб уларда бугуннинг қадрига етиш туйғусини янада кучайтириб юборди. Уларнинг дил изҳорларидан айримларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.*

**Қобил ЗОКИРОВ,**
**маҳалла оқсоқоли.**

— Президентимизнинг Янги йилни Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилганликларини халқимизнинг азалий қадриятларидан бири — биз кексаларни ардоқлашга бўлган катта эътибор деб тушунамиз. Шундай доримон кунларга етганимизга шукр. Собиқ иттифоқ даврида не сир-синоатларни бошдан кечирмадик дейсиз. Ёш авлод бу кунларнинг қайси бирига ўзи шоҳид, қайси бириддан тарихий манбалар, нуронийларнинг ҳикоялари орқали бохабар. Бу ҳақда такрорлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Мен анча-мунча ёшни қоралаб қолган бир инсонман. Пиру бадавлат оилам бор. Фарзандларим камолга етган. Дастурхонимиз тўкин. Ўзим ҳам умр бўйи қурилишда ишлаб қарилик таътилига чиққанман. Куч-қувватим бор экан меҳнатсиз ўтиришни ўзимга эп кўрмайман. Ҳозир маҳалла оқсоқолиман. Шу юмуш билан маҳалламга озми-кўпми фойдам тегиб турганидан фахрланаман. Баъзан аёлим: «Отаси, энди қариб қолдингиз, уйда тинчгина ўтирсангиз бўлмайдими» деб қолади. Шунда унга: «Онаси, шундай замонда тиниб-тинчиб ўтириб бўладими. Кўриб турибсан, ҳамма ерда ёшариш, янгиланиш. Ҳали тарих тарих бўлиб бунақасини кўрмаган. Қанча-қанча ўтмишдошларимиз орзу қилиб етолмай армонда кетган Мустақиллигимизни авайлаб қадрлаш нафақат ёшларнинг, балки биз кексаларнинг ҳам, умуман барчанинг иши» дейман.

Тўғри-да, яхши даврлар келди, деб ёстиқ қучоқлаб осмонга қараб ётган билан мустақиллик ўз-ўзидан мустаҳкамланиб қолмайди. Бунинг учун биз кексалар ҳам ўзига хос, мос иш топиб саъй-ҳаракат қилишимиз керак.

**Тўфахон НУРИДДИНОВА,**
**меҳнат кексаси:**

— Азиз болаларим, ўғил-қизларим. Мен тўқсон ёшдан ошиб юз билан юзлашаётган инсонман. Ҳар оқшом ўғил-қизларим, келинларим, невараларим қуршовида эъзоздаман. Ёлғиз вақтларимда эса радио, телевизор менинг ҳамроҳим. Азалдан кундалик янгиликларни эшитишга қизиқаман. Тунов куни «ойнаи жаҳон»ни кўра туриб Юртбошимизнинг бу йилни Қарияларни қадрлаш йили деб атаймиз деган сўзларини эшитиб, бошим осмонга етди. Кексаларни қадрлаган, уларнинг дуосини олган кишининг ҳамиша умри узун, мартабаси баланд бўлади.

Суюкли фарзандларим, кўпни кўрган она сифатида такрор бўлсада бир гапни айтмоқчиман. Табиатнинг бир қонуни бор. Ойлар, йиллар ўтади. Киши балоғатга етади. Ёшлик, навқиронлик даври кўз очиб юмгунча қуш каби қанот қоқиб ўтиб кетади. Бўсағада инсонни кексалик кутади. Қарилик бу — ҳисоб-китоб даври. Умр поёнининг сарҳисоби. Беихтиёр ўтириб ўтган кунларга назар ташлайсан. Ундаги нурли изларни кўриб қувонасан, бекорчи ўтган яъни зое кетган умрингга ачинасан. Гапни узоқдан бошлашимдан мурод шуки, биз кексалар алғов-далғовли кунларни бошдан ўтказдик. Ёшлик орзу-истакларимизнинг тўла амалга ошмай қолишида балки ўша кунларнинг таъсири бўлса эҳтимол. Сизлар эса дориломон кунларни бошдан кечиряпсиз. Бу кунларнинг қадрига етинг. Ҳаётда ўзингиздан нурли из қолдиришга ҳаракат қилинг. Бунинг учун сизга барча имкониятлар яратиб берилган. Келинг, бир дуо қилайлик. Илоҳим обод юртимизга кўз тегмасин.

**Шуҳрат ЭРМАТОВ,**
**ишчи:**

— Ота-оналаримиз уйимизнинг кўрки, файзи, бароkoти. Улар билан хонадонимиз обод. Бу зотлар оилаларни аҳил ва иноқ яшашга ундаб, уларни ҳамиша бирлаштириб, қовуштириб турадилар. Ахир нуронийларимиз: «Қариси бор уйнинг париси бор», деб бежиз айтмаганлар. Ота-оналар барҳаёт уйдан гўё нур, ёруғлик таралаётгандек бўлади. Бу ҳам бува-бувиларимизнинг, ота-оналаримизнинг ўзига хос файзи, кўрки.

Атрофга назар ташлаб кўпинча ўзимга ўзим: «Хўш, биз ёшлар кексаларнинг қадрига етяпмизми, уларни авайлаб, тириклигида дуоларини оляпмизми», деб ўйланиб қоламан. Ота-она вафотидан кейин унинг қадрига етган бир яқин танишимнинг: «Агарда ҳаётим бардам бўлсин десанг, ота-онангнинг дуосини ол, уларга умр бўйи хизмат қил. Шунда мен каби кейин афсусланиб юрмайсан», деган гапи сира ёдимдан чиқмайди. Шундай экан биз ҳам ўз вақтида қарияларни, ота-оналаримизни эъзозлайлик, қадрига етайлик.

«Қайтар дунё» деган сўзни кўп эшитамиз. Бу гап албатта бежиз айтилмаган. Биз катталар кексаларга қанчалик хизмат қилаётган бўлсак, албатта умид билан ўстираётган фарзандларимиздан ўзимизга қайтади. Яхшилик доимо йўлдошингиз бўлсин!

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Ҳ.Халиловнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиси еттинчи сессиясидаги Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисидаги

# МАЪРУЗАСИ

Ҳурматли Президент!

Муҳтарам депутатлар ва сессиямиз қатнашчилари!

Парламент тарихи асрлар билан ўлчанади. Замонлар ўзгариши билан парламентнинг роли ҳам изчил ўзгариб, унинг моҳияти янги ғоялар, тамойиллар билан, шаклланиш ва фаолият кўрсатиш тажрибаси билан бойиб боради. Парламентаризм ғояси биринчи минг йиллик бўсағасида Римда, Англия ва Испанияда халқ мажлислари шаклида юзага келган бўлиб, шундан сўнг давлат анжумани даражасига кўтарилгунга қадар яна бир неча тараққиёт босқичларидан ўтган.

Ўзбекистоннинг ўзига хос тарихий кечмиши мамлакат қонун чиқарувчи олий органининг ҳам ўзига хос, такрорланмас хусусиятларини белгилайди.

Аввало шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда парламентаризм совет империясининг ҳукмрон доиралари истаган нарса эмас эди. Унинг шаклланиши ва ривожланиши СССР марказий ҳокимияти томонидан ўтказилган мустамлакачилик, авторитар, мустабид сиёсатга қарши жиддий кураш жараёнида кечди. Ўзбекистоннинг узоқ давр мобайнида тоталитар коммунистик тузум ўрнатилган улкан давлат таркибида бўлганлиги мамлакатда парламентаризмнинг умумэътироф этилган асл маънодаги давлат институти сифатида ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. ВЦИК, Олий Совет, Халқ депутатлари съезди типидаги қонун чиқарувчи органлар – парламентнинг умумий моделига мос бўлмаган, фуқаролар вакиллиги – сохта, фақат расмиятчилик учун бўлган, қонунчилик фаолияти эса – анча чекланган эди.

Умуман олганда Совет даврини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, Ўзбекистон давлат ҳокимияти тизимида том маънодаги қонун чиқарувчи корпус, парламент ҳеч қачон бўлмаган.

80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида ҳам ўтиш босқичини кечираётган собиқ СССР давлатларида парламентларнинг тақдири мураккаб, баъзан эса фожиали кечди. Собиқ Совет ҳудудида ташкил топган айрим давлатларнинг тажрибасига назар ташлаш кифоя: Россияда парламент ўққа тутилганлиги ва қувиб юборилганлиги, Беларусь ва Украина парламентларининг бўлиниб кетиши, Қозоғистондаги парламент инқирози шулар жумласидандир. Булар жамиятда ривожланган сиёсий маданият йўқлиги шароитидаги курашнинг, зиддиятларни, ҳокимият беқарорлигини чуқурлаштириб парламентаризм ғояларини обрўсизлантирадиган ва давлатнинг ўзини заифлаштирадиган курашнинг натижасидир.

Афсуски, ўша даврларда Ўзбекистон сиёсий ҳаётида ҳам қонун чиқарувчи ҳокимиятни ташкил этишга вазмин муносабат етишмас эди. Қонун ҳужжатлари фуқароларнинг айрим гуруҳлари ўз фикрларини митинглар ва намойишлар, ултиматумлар йўли билан билдирган, шу зайл давлат ҳокимияти органларига бевосита таъсир ўтказишга ҳаракат қилган, сиёсий эҳтирослар жунбушга келган бир вазиятда қабул қилинган ҳоллар ҳам бўлди.

1992 йил 8 декабрда, мустақиллик шароитида қабул қилинган Конституция шарофати билан Олий Мажлис мутлақо янги қонун чиқарувчи орган сифатида вужудга келди.

Мамлакатимизда парламентаризмнинг қарор топиши ва ривожланишида мустақил Ўзбекистон миллий давлатчилигининг асосчиси – Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов улкан ўрин тутади. Олий Мажлис ташкил топган дастлабки кунларданоқ мамлакатимиз Президенти янги типдаги парламентнинг қарор топишига шахсан катта эътибор қаратдилар, қонун чиқарувчи олий орган мустақил Ўзбекистон янги давлатчилиги тузилмасида муносиб ўрин эгаллаши тўғрисида мунтазам ғамхўрлик қилдилар. Айнан президентнинг кўмагида Олий Мажлис том маънода умумэътироф этилган мазмун-моҳият касб этди ва қонун чиқарувчи олий орган – парламентга айланди ҳамда ҳокимиятнинг бошқа тармоқларига мақом жиҳатидан тенглашди. Шу тариқа зарур конституциявий-ҳуқуқий мувозанат таъминланди.

Ҳурматли депутатлар!

Маълумки, ҳокимият вакиллик органининг ваколатлари ва тузилиши масаласи парламентнинг қандай эканлигига, яъни у бир палатали ёки икки палатали эканлигига узвий боғлиқдир.

Шуниси эътиборга моликки, давлат тузилишининг шакли қандайлигидан қатъи назар, демократик мамлакатларнинг аксариятида қонун чиқарувчи органлар икки палаталидир. XX аср сўнгги ўн йилликларининг ўзида умуммиллий қонун чиқарувчи органлардаги иккинчи палаталар сони 45 тадан 70 тага кўпайди. Икки палатали парламентлар жаҳоннинг ҳамма йирик мамлакатларида фаолият кўрсатиб келмоқда. Жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутган давлатларнинг қонун чиқарувчи органлари ҳам (Буюк Британия, Италия, АҚШ, Франция, Швейцария, Япония ва бошқалар) шу схема бўйича иш юритмоқдалар. Ана шунинг учун ҳам ишонч билан айтиш мумкинки, янги аср бўсағасида икки палатали тизим (бикамерализм) парламентаризм тараққиётининг асосий тенденциясига айланди.

2000 йилнинг 14 мартида Париж шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон сенатларининг махсус анжумани қонун чиқарувчи органлар икки палатали механизмининг феноменига, унинг демократик ҳамда ҳуқуқий давлат таркиб топишидаги ўрнига бағишланди. Анжуманда бўлиб ўтган барча баҳсларнинг асосий хулосаси шундан иборатки, икки палатали парламент мамлакатнинг минтақалари, кичик тузилмалари, олисроқ жойлашган қисмларининг манфаатларига риоя этилишига олиб келади. Иккинчи палата қонунлар чиқариш жараёнида учрайдиган популизм, лоббизм ва енгил-елпи, тор доирадаги манфаатларга қарши турувчи қўшимча фильтр сифатида иш тутади. Анжуманда таъкидланганидек, икки палатали тизим ижроия ҳокимияти билан бир палатали парламент ўртасидаги ортиқча тортишувларнинг олдини олади ҳамда парламент ва ҳукумат ваколатларининг аралашиб кетишига йўл қўймайди.

Шундай қилиб, таъкидлаш жоизки, икки палатали парламент ҳуқуқий давлат барпо этишнинг, демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг яхши қуролидир.

Табиийки, иккинчи палата афзалликлари ҳақида гап борар экан, ўз-ўзидан шундай савол туғилади: нега унда Ўзбекистонда бир палатали парламент тузилган? Шу ўринда қуйидаги изоҳларни бериб ўтиш ўринлидир.

Маълумки, икки палатали парламент фаолияти мутлақо бошқа ташкилий-тузилмавий асосга, яъни профессионализм замирида қурилмоғи лозим. Профессионал парламент тўғрисидаги тасаввуримиз одатга кўра депутатларнинг доимий асосда ишлашлари билан боғлиқ. Бу тушунча депутатлар ўз ваколатлари даврида депутатлик фаолиятидан бошқа касб билан шуғулланмайдиган парламентга эга бўлган давлатларда шаклланган. Яъни депутатлар депутатлик фаолиятини депутатлик даврида касб, давлат хизмати деб биладилар. Парламентда барча депутатлар доимий асосда ишлашлари учун эса объектив шарт-шароитлар талаб этилади. Ўтиш даврида эса Ўзбекистонда шундай шарт-шароитлар йўқ эди. Бу ерда гап аввало юристлар, иқтисодчилар ва бошқа мутахассислар етарли даражада мавжуд бўлмаганлиги ҳақида, маъмурий-буйруқбозлик асосида иш юритилган совет қонунлари билан ишлаш тажрибасига эмас, балки бозор иқтисодига асосланган, очиқ демократик жамият қуриш мақсадини кўзлаган янги жамиятнинг ҳуқуқий асосларини яратиш жабҳасида профессионал билимлар орттирган кадрлар етарли эмаслиги ҳақида бормоқда. Бундан ташқари профессионал парламентни шакллантириш учун профессионал сиёсатчиларнинг етарли қатлами мавжуд бўлиши ҳамда кўппартияли тизим ривожланган бўлиши, тегишли сиёсий маданиятга эга бўлган электорат – сайловчилар мавжудлиги, тегишли ҳуқуқий база яратилиши ва ҳоказолар зарур эди.

Агар биз мустақилликка эришишимиз биланоқ дарҳол профессионал асосда ишловчи икки палатали парламент тузишни олдимизга мақсад қилиб қўйганимизда Ўзбекистон парламентига доимий асосда ишлаш учун кимлар ва қандай кучлар келиши мумкинлигини, улар қандай қонунлар қабул қилишлари мумкинлигини ва умуман мамлакатимиз қандай аҳволга тушиши мумкинлигини ҳозир тасаввур қилиш қийин эмас.

Демократик жараён ривожланиб боргани сайин ижтимоий фикрдаги тарқоқлик тобора кўпроқ уюшқоқлик билан алмашина бошлайди. Ҳокимиятга таъсир кўрсатиш электорал механизмларининг жамият томонидан ўзлаштирилиши ижтимоий фикрни уюштиришга, ижтимоий нуқтаи назарларни аниқроқ билиб олишга, фуқаролик жамиятининг фикрлари ва қарашларини давлат муҳокамаси даражасига етказиш вазифасини ўз зиммасига оладиган тузилмалар, жумладан сиёсий партиялар, мустақил касаба уюшмалари ва бошқалар вужудга келишига кўмаклашади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги асосий хулосаларни баён этмоқчи эдим. Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида илгари сурган икки палатали парламентни тузиш зарурлиги тўғрисидаги ғояни ҳаётга тадбиқ қилиш зарур эканлиги кундек равшан бўлиб қолди.

Малакали юристлар, иқтисодчилар, сиёсатшунослар ишлайдиган янги профессионал парламентга ўтиш учун мамлакатимизда реал сиёсий ва бошқа шарт-шароитлар пишиб етилди. Бундай мутахассислар ҳозир диёримизда етарли даражада бор. Жамиятда ҳуқуқий маданият даражасининг ортганлиги ҳам шунга жавоб беради.

Иккинчидан, давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг совет тоталитар тизими расмий-юридик жиҳатдангина эмас, балки ижтимоий-тарихий жиҳатдан ҳам барҳам топди. Умуман хулоса чиқариб шундай дейиш мумкинки, қисқа муддат ичида Ўзбекистонда тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан ижодий фойдаланган ҳолда туб ислоҳотларни амалга оширишдаги ҳиссаси беқиёс бўлган қонун чиқарувчи ҳокимият мустаҳкамланди. Ўзбекистон давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатда чуқур демократик, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ўтказишнинг мураккаб даврида Олий Мажлис жадал иш олиб борган йиллар ортда қолди.

Учинчидан, биз бугун тўлиқ ишонч билан айтишимиз мумкинки, ўз миллий давлатчилигини яратиб, Ўзбекистон халқлари ягона миллат сифатида шаклландилар. Эндиликда реал воқеликлардан келиб чиққан ҳолда биз миллий давлатчиликнинг муҳим институтларини ривожлантиришимиз мумкин.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи тизими қарор топганлиги, миллий парламент анъаналари ривожланганлигига асосланиб, шунингдек Ўзбекистон халқи кўп миллионли эканлигини ва мамлакат минтақаларининг ўзига хос эканлигини ҳисобга олган ҳолда парламент тузилишини ўзгартириш мақсадга мувофиқдир. Яъни, бир палатадан икки палатали тизимга ўтиш зарур. Парламент фақатгина қонун чиқарувчи эмас, балки вакиллик органи ҳамдир. Шунинг учун унда фақат аҳоли вакилларининг бўлиши эмас (бу аҳоли зич жойлашган марказларга мутлақ устунлик беради), балки барча минтақалардан тенг вакиллар бўлиши лозимдир. Парламентнинг ана шундай сифатда таркиб топиши популистик мақсадни, шунингдек фақат айрим гуруҳлар манфаатини кўзловчи, мукаммал бўлмаган қонунлар қабул қилинишига йўл қўймайди.

Бешинчидан, назаримизда, қонун чиқарувчи олий органда иккинчи палатанинг тузилиши Ўзбекистон қонунларининг қабул қилинишига минтақаларнинг таъсирини сезиларли даражада оширади, парламент қабул қилаётган ҳужжатларда халқнинг хоҳиш-иродаси тўлиқроқ намоён бўлишига имкон беради. Ва шу билан бирга қонунчилик фаолияти сезиларли даражада ривожланиши учун янада қулайроқ имкониятлар яратади. Парламент ишида демократия ва фикрлар хилма-хиллиги кўпроқ намоён бўлади. Миллий давлатчилик институтлари тизими ўртасида парламентнинг нуфузи ортади. Умуман, икки палатали парламент тизимига ўтиш давлат ҳокимиятининг барча тармоқларига ўзининг ижобий таъсирини ўтказади, фуқаровий жамият қуриш йўлида муҳим, шахдам одим бўлади.

Ҳурматли депутатлар!

Икки палатали тизим мавжуд бўлган давлатларда сайлаб қўйиладиган палатани, одатда, қуйи ёки биринчи палата деб атайдилар, бошқасини эса юқори ёки иккинчи палата деб атайдилар. Юқори ва қуйи палаталар миқдор таркиби, тузилиш тартиби, ваколатлари, мақомлари ва бошқа жиҳатларига кўра бир-биридан фарқ қиладилар.

Ўз пайтида Ўзбекистоннинг бўлажак икки палатали парламенти тузилиши ҳақида сўз юритиб, давлатимиз раҳбари унинг қуйи палатаси фақат доимий асосда ишловчи депутатлардан таркиб топишини, яъни умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган профессионал депутатлардан иборат бўлишини таъкидлаган эдилар. Бу палатада ҳар бир депутат тенг миқдордаги сайловчиларнинг вакили сифатида иш кўради. Мазкур палатанинг асосий ваколатлари қонунларни тайёрлаш ва қабул қилишдан иборат бўлиши назарда тутилмоқда.

Иккинчи палата бевосита сайловчиларнинг манфаатларини эмас, энг аввало ҳудудларнинг манфаатларини ифода этади. Шу сабабли уни шакллантириш ва фаолият кўрсатиш тартиби ҳам бирмунча бошқачароқ бўлади, деб мўлжалланмоқда. Шунга кўра бу палатада Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри тенг вакилларга эга бўлади. Ана шу мақсадда мазкур минтақаларда халқ депутатлари вилоят, барча туман ва шаҳарлар Кенгашларининг қўшма мажлисларини ўтказиб, уларда мамлакат парламентининг юқори палатасига, айтайлик, етти ёки ўн нафардан депутат сайлаш мақсадга мувофиқ кўринади. Мазкур вакиллар орасида вилоят Кенгашлари депутатлари билан бир қаторда туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари ҳам бўлгани маъқул. Бу вакиллар маҳаллий Кенгаш депутатлигича қолавериб, фаолияти аъзоларнинг доимий асосда ишлашига боғлиқ бўлмаган юқори палатанинг ялпи мажлисларига мунтазам равишда тўпланиб турадилар. Шу тарзда юқори палата аъзолари мамлакат парламентида умумдавлат аҳамиятига молик муҳим масалаларни ҳал этиш билан бирга, қилинган ишлар тўғрисида жойларда ҳисобот бериб турадилар ва шу орқали қонун чиқарувчи органнинг ҳаёт билан, реал воқелик билан, халқ билан мунтазам алоқасини таъминлаб турадилар. Пировард натижада эса қабул қилинаётган қонунлар ҳаёт талабларига, ижтимоий амалиётга мос бўлишига эришилади.

Юқори палатанинг асосий вазифаси қуйи палата қабул қилган қонунларни тасдиқлашдан иборат бўлади. Яъни, юқори палата ўз минтақаларининг манфаатларини ва ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган, шунингдек ўз минтақалари аҳолисининг хоҳиш-иродаси ва кайфиятига суянган ҳолда ҳамда объектив шарт-шароитлардан келиб чиқиб тегишли қарорлар қабул қилади.

Ҳозир бўлажак парламент моделининг назарда тутилаётган фаолият тамойиллари, ваколатлари, бошқа хусусиятларига янада муфассалроқ тўхталишга ҳожат бўлмаса керак. Чунки бу масала алоҳида муҳокама мавзуси бўлиши турган гап. Олий Мажлиснинг ҳозирги вазифаси – янги парламентнинг модели хусусида халқ фикрини билиш учун референдумни ташкил этиш ва ўтказишга розилик беришдан иборатдир.

Табиийки, *«Олий Мажлиснинг мазкур чақириғи тугашига ҳали уч йил бор-ку, икки палатали парламент тўғрисидаги референдумни нима учун ҳозироқ ўтказишимиз керак?»* – деган савол туғилиши мумкин.

Шу ўринда бир-икки оғиз изоҳ бериб ўтиш жоиз, деб ҳисоблайман. Референдумга киритиш мўлжалланаётган масалага сайловчилар ижобий муносабат билдирганлари тақдирда, мавжуд ҳуқуқий базани жиддий ўзгартириш, сайловларга оид ҳамда янги парламент ишига тааллуқли қатор қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш зарур бўлади. Биринчидан, икки палатали парламентни тузишнинг янги тартибини яратиш керак бўлади. Иккинчидан, янги парламентнинг ҳуқуқий мақомини, унинг ваколатларини аниқлаб олиш талаб қилинади. Учинчидан, ҳар иккала палатанинг ваколатларини қонуний тарзда тақсимлаб қўйиш, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш керак. Ва ниҳоят, тўртинчидан, бўлажак икки палатали парламент фаолиятини ташкил этишни йўлга қўйиш ва фаолият олиб бориши учун зарур шарт-шароитларни тайёрлаш талаб этилади. Буларнинг бари талайгина назарий ва амалий ишлар бажарилишини, кўплаб ижодий, илмий ва амалий кучлар сафарбар этилишини тақозо қилади ва пировард натижада, кўп вақт талаб этади. Ва агарда биз келгуси чақириқда икки палатали парламент бўлишини истаётган бўлсак, бу ишларни бугунданоқ бошламоғимиз зарур.

Ҳурматли депутатлар!

Юқорида баён этилган фикрлар хулосаси сифатида шуни айтиш мумкинки, парламентимизнинг бўлғуси ислоҳоти ҳокимият қонун чиқарувчи тизимининг мустаҳкамланиши ва кучайишига олиб келади. Шуниси ҳам борки, бу кучайиш ҳокимият бошқа тизимларининг заифлашиши ҳисобига амалга ошмаслиги керак. Собиқ Франция Президенти Ф.Миттеран айтганидек, ўта кучли парламент давлатнинг бир маромда ишлашига хавф солади, ўта кучсизи эса – демократияга. Шу муносабат билан суд ҳокимияти нуфузини мустаҳкамлашга ва оширишга қаратилган бугунги ислоҳотларнинг муҳимлигини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Лекин, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятларини кучайтириш билан бирга ҳокимият барча тизимлари ўзаро барқарор, уйғун, самарали ҳамкорлик қилишларини таъминлаш ҳам зарурдир. Яъни, ижро этувчи ҳокимиятнинг ва энг аввало, ижроия ҳокимиятини ва бутун давлат ҳокимиятини бошқарувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқий мақоми ҳам шунга яраша ўзгартирилиши талаб қилинади. Шу сабабли ҳокимият тизимларининг мувозанатини сақлаб қолиш ҳамда улар ишини самарали тарзда мувофиқлаштириб бориш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисида таклиф киритилмоқда. Бу эса парламентимизнинг мазкур ислоҳоти ўтказилганидан сўнг Президентга ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари ўзаро ҳамкорлигини, бу тармоқларнинг баҳамжиҳат фаолиятини янада самаралироқ таъминлаш имконини беради.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш муҳимдир ва мен оммавий ахборот воситаларининг вакиллари бунга алоҳида эътибор беришларини истар эдим. Ушбу масалани муайян шахсга, давлатимизнинг ҳозирги бошлиғи И.А.Каримов номи билан боғлаш нотўғри бўлур эди. Агар гап фақат Ислом Абдуғаниевич ҳақида бўлганда эди, биз Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти учун истисно қилиб, масалани ўшандай қўйган бўлар эдик. Шундай қилсак, қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, буни халқимиз тўлалигича маъқуллаган бўлур эди. Олий Мажлисга келаётган кўплаб мурожаатлар шундан далолат бермоқда. Масалан, Наманган вилоятидан Қосимовлар оиласи, Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидан Файзи Султонов, Жиззах вилоятининг Зомин туманидан Амир Тоғаев, Фарғона вилоятининг Қува туманидан Т.Қурбонов ва бошқалар И.А.Каримовни умрбод Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлашни таклиф қилмоқдалар ва Олий Мажлис депутатларини ушбу таклифни қўллаб-қувватлашга чақирмоқдалар.

Ёки, масалан, Ангрен шаҳридан М.С.Умаров президентлик сайлови муддатини саккиз йилдан ўн йилгача узайтиришни ва И.А.Каримовни шу лавозимда сақлаб қолишни таклиф қилган. Самарқанд вилоятининг Кўшрабод туманидан Абдулҳамид Қурбонов мамлакат Президентининг ваколат муддатини яна 20 йилга узайтиришни ҳамда ушбу масала бўйича Олий Мажлис депутатлари Ўзбекистон халқига мурожаат этишларини таклиф қилмоқда.

Депутатларнинг ўз сайловчилари билан бўлган учрашувлари натижаларига асосланган хулосалар ҳам фикримизни тасдиқлайди: сайловчиларнинг ўз Президентларига бўлган ишончлари беқиёс ва бу ишонч кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон фуқаролари мамлакатимизни ислоҳотнинг энг биринчи, энг қийин босқичидан муваффақиятли олиб ўтган, истиқболни яққол ва равшан кўра олган инсон давлатимизни бундан буён ҳам Конституцияга мувофиқ бошқариш имкониятига эга бўлиши керак, дея қатъий истак изҳор этмоқдалар. Ана шу мулоҳаза, нуқтаи назардан келиб чиқиб, одамлар деярли ҳар бир учрашувда давлатимиз раҳбари президентликка узоқроқ муддатга ёки умрбод сайлансин деган фикрни такрор ва такрор илгари сурмоқдалар.

Халқнинг ана шундай меҳр-муҳаббатига сазовор Президентимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бироқ, давлат қурилишининг муҳим вазифаларини кўздан кечириб, Ўзбекистон миллий давлатчилик институтини ривожлантира борар эканмиз, биз масалаларнинг ҳал этилишини, қанчалик буюк бўлишидан қатъи назар, муайян шахс номи билан боғлаб қўйишга ҳақли эмасмиз. Биз масалани холис, ижтимоий турмуш воқеликларидан келиб чиққан ҳолда, назарий ва амалий таҳлилларга таяниб, умумэътироф этилган халқаро нормаларга қатъий амал қилган ҳолда ҳал этишимиз зарур.

Айнан шу сабабли ҳам умумхалқ референдумига шахсан Президент И.А. Каримов хусусидаги масала эмас, балки миллий давлатчиликнинг муҳим институти сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини ўзгартириш тўғрисидаги масала киритилиши таклиф этилмоқда. Ва бу таклиф субъектив эмас, балки объектив сабаблардан келиб чиқмоқда. Бу борадаги нуқтаи назаримизни асослаб беришга ҳаракат қиламиз.

**Биринчидан.** Маълумки, 1990 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимининг таъсис этилганлиги мустақилликка эришиш, Ўзбекистоннинг суверенитетини мустаҳкамлаш ва унинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши йўлидаги муҳим сиёсий қадам бўлди. Шуниси ҳам борки, президентлик институти собиқ СССР республикалари ўртасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда жорий этилган эди. Табиийки, бизда бундай институтни яратиш борасида тажриба йўқ эди, шу сабабли унинг жорий қилиниши ва ташкил этилишига, шу жумладан Президентнинг ваколат муддатини белгилашга ҳам эски советлар тизими бир мунча таъсир қилган эди. Лекин ССР Иттифоқи ва унинг субъектлари ўртасидаги кураш чоғида пайдо бўлган Ўзбекистон президентлик институти президентлик республикасининг классик шаклига мойил давлат институтининг тобора яққол акс этган хусусиятини касб эта бошлади. Кўп ўтмай, бу институт етарлича мустаҳкам давлат–ҳуқуқ институтига айланди. Шунинг учун ҳам таъкидлаш лозимки, мустақил Ўзбекистон ривожланишнинг ўзи танлаган йўлдан илгари боргани сайин ҳаёт олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда. Уларни ҳал этиш эса давлат ҳокимияти институтларини қайта кўриб чиқишни ҳамда такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

**Иккинчидан.** Мустақил давлатларнинг қарор топиш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир халқ ўз мамлакати, шу мамлакат фуқаролари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўз тараққиёт йўлини ўзи белгилайди ва қонун ҳужжатларини ҳам шунга мувофиқ тарзда такомиллаштира боради. Масалан, Австрия, Финляндия ва Мексика сингари давлатларда президент олти йил муддатга, Исроил, Ирландия ва Италияда эса етти йилга сайланади. Ёки, масалан, халқининг табиати, минталитети бизга яқин ва ўхшаш бўлган Туркияда ҳам президентнинг ваколат муддати етти йил. Араб мамлакатларининг деярли барчасида аҳвол шундай, масалан, Мисрда, Ливанда – олти йил, Яман Араб Республикасида, Сурияда – етти йил. Қолаверса уларда чекланмаган маротаба президент бўлиб сайланиш мумкин. Бизга қўшни давлатлар – Қозоғистон ва Тожикистон ҳам шундай амалиётни қўллаб, ўз президентларининг ваколатлари муддатини етти йил қилиб узайтирдилар.

**Учинчидан.** Шиддат билан кечаётган ва тобора мураккаблашиб бораётган асримизда беш йил президент ўз олдига қўйган барча давлат вазифаларини ҳал эта олиши учун ва мамлакатни ривожлантириш бўйича ўзи тақдим этган дастурини ҳаётга тўлиқ татбиқ эта олиши учун жуда кам муддатдир. Биз президентнинг конституциявий ваколат муддатини ўзгартириш тўғрисидаги таклифни киритар эканмиз, фақат амалдаги ҳолатга қараб эмас, балки президент сайланаётганда ва энг аввало президент илк бора сайланаётганда юзага келиши шубҳасиз бўлган объектив вазиятлардан келиб чиққан ҳолда иш тутмоғимиз лозим. Кўпчилик мамлакатларнинг амалиёти кўрсатишича, янги сайланган президент фаолиятининг биринчи йилида кўп вақтини ўз командасини тузишга, тактик ва стратегик вазифаларни белгилаб олишга ва бошқа жорий масалаларга сарфлайди. Президентликнинг сўнгги йили эса одатда янги сайлов кампаниясини тайёрлаш билан боғлиқдир. Натижада давлат раҳбари сифатида унумли, тўлақонли ишлаш учун жуда кам вақт қолади. Шу сабабли биз жаҳон амалиётини ҳисобга олган ҳолда шундай қарор қабул қилишимиз керакки, токи бу қарор ижтимоий муносабатларни объектив бошқариб, ҳамма учун умумий қоидага айланиб қолсин. Ва ким президент бўлишидан қатъи назар унга давлатга самарали ва муносиб раҳбарлик қилиш имконияти таъминланмоғи лозим.

**Тўртинчидан.** Конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, Конституциянинг, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг реал кафили бўлишдек устувор вазифаларни ҳал этиш, ўтказилаётган ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилиши учун зарур бўлган асосни – сиёсий барқарорлик ва умуммиллий тотувликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш имкониятлари президентга берилган бўлиши керак.

Президент сайловини ҳар беш йилда ўтказавериш эса аксарият ҳолларда жамиятни ортиқча сиёсий жунбушга келтириш ва беқарорлаштиришга олиб келади. Вақт ва кўплаб маблағ сарфланиши ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. Ваҳоланки, аксарият мамлакатларда амалдаги президентлар, агар навбатдаги сайловларда ўз номзодларини қўядиган бўлсалар, қоида тариқасида, яна янги муддатга сайланадилар. Бу эса барча мамлакатларнинг халқлари жамият ва давлат ҳаётида барқарорлик, ойдинлик бўлишини исташларидан далолат беради. Зеро, жамиятда таркиб топган ва сақланиб турган барқарорлик айрим кимсаларнинг баъзан ўзларига керакли одамларини ҳокимият тепасига олиб келиш мақсадида сиёсий ва молиявий найранглар ишлатишдан иборат истагини мутлақо йўққа чиқаради.

**Бешинчидан.** Ҳокимият барча тармоқларининг ўзаро конструктив, оқилона ҳамжиҳатлигини таъминлаш жуда муҳимдир. Бу ҳамжиҳатлик собитқадамлик билан, муроса ва келишув асосида, ортиқча сиёсийлашувга ва қарама-қаршиликка берилмай амалга оширилмоғи лозим. Ана шу шартларнинг бузилиши пировард натижада ҳақиқий демократиядан чекинишга, сиёсий қарама-қаршиликка олиб келиши, ижтимоий-сиёсий вазиятга, миллатлараро муносабатларга, иқтисодий ислоҳотлар ва дастурлар амалга оширилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Собиқ Совет Иттифоқининг қатор мамлакатларида, афсуски, шу жумладан бизнинг Ўзбекистонимизда юзага келган вазиятлар бунга ёрқин мисол бўла олади. Бугун, иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг еттинчи сессиясини ўтказар эканмиз, яқин ўтмишимизни эслаб ўтиш фойдадан холи бўлмасди. Бундан ўн йил аввал ҳам еттинчи сессия бўлганди. Фақат у ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг еттинчи сессияси эди. Ана шу сессия ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанатни бузишга уриниш, қонун чиқарувчи органга унга хос бўлмаган ваколатларни олиб беришга ҳаракат қилиш борасида ёрқин мисол бўла олади. Ўша сессияда депутатлар орасида ҳам ашаддий амалпарастлар, ўнгида ҳам, тушида ҳам ҳокимиятга талпинадиганлар чиқиб қолди. Улар мақсадга эришиш учун Олий Кенгаш билан Ўзбекистон Президенти ўртасида жанжал уруғини сепишга уринди. Энг қалтис лаҳзаларда депутатларнинг аксарият кўпчилиги Президент атрофида жипслашдилар ва хомтама бўлиб юрганларга зарба бердилар.

Шубҳасиз, ҳокимиятлар бўлиниши тушунчаси амалга киритилишининг ўзи Ўзбекистонда конституциявий тузумнинг катта ютуғи эди. Лекин ўша пайтларда ҳокимиятлар бўлинишини уларнинг бир-бирига мутлақо қарама-қарши туриши деб ҳисобламаслик кераклигини ҳамма ҳам тушунмас эди. Давлат бошқаруви ҳокимият барча тармоқларининг нафақат бўлиниши, балки уларнинг ҳамкорлиги, ўзаро биргаликда ҳаракат қилиши асосида қурилади. Зеро, барча масалаларнинг ечими шундай ўзаро ҳамкорликни тақозо этади. Агар ўзаро ҳамкорлик бузилса, бунинг оқибати ўлароқ мамлакатда вазият ёмонлашади. Ҳокимиятлар бўлиниши тамойилига риоя этилгани ҳолда давлат ҳокимияти органларининг бирлиги ва жипслигини таъминлаш уларни мустаҳкамлашнинг бош йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу тамойил ҳокимият учта тармоғининг ўзаро ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган шароитда муқаррар равишда ижобий ўрин тутади ва агар бундай ҳамкорлик бўлмаса, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда тўғаноққа айланади.

Президент юритадиган самарали давлат сиёсатининг таҳлили унинг фаол мувофиқлаштирувчилик ролини биринчи даражага олиб чиқади. Давлат бошлиғи сифатида у ҳокимият барча тармоқларининг ҳамкорликда ҳаракат қилишини таъминлайди. Бунинг натижасида эса ҳокимият турли тармоқлари ўртасида келишмовчиликлар юзага келганда келиштирувчи ва муросага солувчи воситаларни қўллайди, Конституцияга риоя этилишини таъминлашга доир сиёсий қарорлар қабул қилади ва бошқа чора-тадбирларни кўради. Ҳокимиятнинг барча тузилмалари, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари учун умумий мажбурий бўлган қарорни ишлаб чиқиш мақсадида президентга парламент, ҳукумат ва суддан, аввало ваколат муддатларига кўра, бир хил масофада ажралиб туриш ва айни пайтнинг ўзида давлат раҳбари сифатида ҳокимиятнинг барча тизимларига, жамиятда нуфузи бўлган ижтимоий ҳаракатлар ва партияларга нисбатан холис туриш ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш имкониятлари берилмоғи лозим.

Жаҳон амалиёти ҳам шундан далолат берадики, ҳокимиятнинг турли субъектларига ёндашувлар ўхшаш бўлмагани ҳолда ҳокимият тизимларини бир хил муддатларга тузиш оқибатида ҳокимиятнинг ушбу тизимлари ўртасида келгусида ҳал қилиб бўлмайдиган келишмовчиликлар ва қарама-қаршиликлар келиб чиқиши мумкин. Гап шундаки, маълум даврларда, айтайлик, парламентнинг тор доирадаги манфаатлари юзага келиши мумкин. Масалан, навбатдаги сайловлар арафасида сохта обрў орттириб, сайловчиларга ўзларини кўрсатиб қўйиш мақсадида парламент энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини асоссиз равишда ошириш ёки қўшимча имтиёзлар жорий этиш тарзида ўйин қилгиси келиб қолади. Бундай пайтларда сайловлар арафаси бўлганлиги учун президент ҳам қийин вазиятга тушиб қолади. Агар у қонунни имзоламаса, — сайловчилар овозидан маҳрум бўлади. Борди-ю қонунни имзоласа, бу билан президент аслида бажариб бўлмайдиган кўрсатмаларни гўё ҳимоя қилишга ва ижроия ҳокимиятидан улар сўзсиз бажарилишини талаб қилишга тайёр эканлигини тасдиқлагандай бўлади.

Шундай қилиб, юқорида санаб ўтилган барча шартлар бажарилишини таъминлаш учун президентнинг фаолият кўрсата олиши кафолатланган ва биринчи навбатда, ҳокимият тепасида бўлишининг оқилона муддати кафолатланган бўлмоғи лозим. Шундай экан, Ўзбекистон Президенти ваколатлари муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги биз муҳокама қилаётган масала ҳар томонлама, тўлиқ исботланган, объектив сабаблардан келиб чиқмоқда, илмий асосларга эга ва энг муҳими, амалий, ҳаётий тажрибанинг ўзи шуни тақозо этмоқда.

Ушбу масаланинг ҳал этилиши, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти институтлари ислоҳ қилинганидан сўнг сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади, навбатдаги иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли ўтказиш учун асос бўлади ҳамда бутун куч ва салоҳиятимизни фақат яратувчилик, бунёдкорлик ишига қаратиш имконини беради.

Ҳурматли депутатлар!

Гарчанд қонунларимизга мувофиқ биз муҳокама қилаётган масалалар бўйича Конституцияга ва тегишли қонунларга ўзи ўзгартиришлар кирита олса-да, лекин шунга қарамай Олий Мажлиснинг референдум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишининг ўзи, ана шундай масъулиятли ва кўламдор қадам қўйиши — унинг давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, демократия ва ҳуқуқни ривожлантириш, фуқаролик жамиятини қарор топтириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган глобал муаммолар, вазифаларни янгича тафаккур билан аниқлашга ҳамда уни дадиллик билан, ижодий руҳда, ошкора, халқ иродасига суянган ҳолда ҳал эта олишга қодирлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, биз демократик принциплар асосида ўтказилиши керак бўлган муҳим ислоҳот арафасида турибмиз. Шу муносабат билан 2002 йил 27 январь, якшанба куни референдум ўтказиш ва референдумда овоз бериш бюллетенига қуйидаги мазмундаги саволлар киритилиши назарда тутилмоқда:

«1. Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?

2. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?».

Ҳурматли депутатлар!

Муҳокама қилинаётган Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисидаги масалани қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

Эътиборларингиз учун раҳмат!

